



№42 (895)
2025 йил 13 май,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



“Онлайн платформалар ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.

Мазкур қонун орқали Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимояси, спам ва фишингдан ҳимояланиш ҳамда инсофли мазмундаги ахборотни олиш ҳуқуқларининг амалга оширилиши кўзда тутилган.

ЯНГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

қурилиши жараёни қандай кетяпти?

2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Тadbиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасида кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги долзарб вазифалар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган танқидий йиғилиш бўлиб ўтди.



Муҳокамалар давомида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўринбосари Озода Жўраева сўзга чиқиб, кўп қаватли уйларни бошқариш соҳасида назорат тизимини кучайтириш зарурати ҳақида фикр

билдирди. Тadbир сўнггида соҳада изчил ислохотларни давом эттириш ҳамда мавжуд камчиликларни олдини олиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилиб, тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.



Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Каттақўрғон туманида назорат тadbирлари ўтказилди.



Ўрганиш давомида “Qurilish engineering invest” МЧЖ томонидан “Намозполвон”, “Қумушқирок”, “Янгиқийёт”, “Са-роққўрғон”, “Омонбойқўтрик”, “Тузар” МФЙларида ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида қатор қондабузарликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Жумладан, сув иншооти ҳудудидаги барча бетон йўлаклар сифатсиз қурилган, ҳимояловчи қисми лойиҳадан четлашган ҳолда тупроқ устки қисмига майда фракцияли шебен тўшалган, бетон зиналар лойиҳа талаби асосида бажарилмагани аниқланди.

Шаҳарсозлик – бу фақат бино қуриш эмас, балки келажак авлодлар учун яшаш муҳитини яратишдир. Замонавий ёндашувлар орқали экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан уйғун ривожланган шаҳарларни барпо этиш имконияти ҳамдир.

Хусусан, Жиззах шаҳрининг марказий қўчаларидаги бино ва иншоотларнинг меъморий қиёфасини янгилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Бобур Маматов Жиззах шаҳрининг Ислон Каримов ва Мустақиллик қўчаларида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан масъулларга зарурий кўрсатмалар берилди.



Биноларнинг мустаҳкамлиги доимий назоратда

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида қурилаётган янги уй-жойларнинг сифати ва зилзилабардошлиги вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан қатъий назоратга олинган.

Ҳар бир пойдевор, ҳар бир қурилаётган девор ҳалқимиз учун хавфсиз ва мустаҳкам уй манзили бўлиши лозим. Ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда инспекция мутахассислари қурилиш майдонларидаги ишлар ҳолатини мунтазам ўрганишмоқда.

– Қурилиш объектларида доимий мониторинг ишлари олиб борилмоқда, – деди инспекция бош мутахассиси Ақром Мухторов. – Аниқланган камчиликлар юзасидан ёзма кўрсатмалар қайд этилиб, ўз вақтида бартараф этиш таъминланмоқда. Инспекция ходимлари нафақат қурилиш жараёнида балки ишлатилаётган материаллар сифатини ҳам махсус лабораториялардан ўтказишади.

– Андижон шаҳар Фитрат кўчасида барпо этилаётган 4 та 10 қаватли 360 хонадондан иборат турар жой биносида олиб борилаётган мониторинг натижаларига кўра, лаборатория хулосалари ижобий чиқиб, лойиҳа ечимларига мувофиқлиги таъминланди, – деди Ақром Мухторов.

Инспекция томонидан Андижон шаҳар Маориф маҳалласида қурилаётган 12 қаватли 198 хонадондан иборат турар жой биноси ҳам назоратдан ўтказил-

ди. Бу ерда мутахассислар томонидан темир-бетон конструкцияларининг мустаҳкамлиги бўйича синов ишлари амалга оширилди.

– Махсус болға ёрдамида темир-бетонда энг баланд ёки энг паст ва ўрта деворлар аниқлаб олинди, – деди инспекция етакчи мутахассиси Баҳодир Алишеров. – Белгиланган тартибда темир-бетон конструкциялари уриб чиқилади ва темир-бетонларнинг яроқлилиги аниқланди.

Ҳар бир текширув-мониторинг аҳолимизга хавфсиз ва тинч шароит яратиш йўлида ташланган муҳим қадам. Андижон вилоятида қурилаётган янги турар жой бинолари фақатгина қурилишгина эмас, балки келажак авлодлар учун мустаҳкам ва хавфсиз манзиллардир. Мутахассислар томонидан хавфсизлик талабларига қатъий риоя этилаётгани эса бу йўлдаги шартли қафолатдир.



Ички ишлар бўлими учун янги бино

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 январь кундаги “2025 йилда Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ички ишлар тизимида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.



Сўнгги йилларда Фарғона вилоятида ҳам ички ишлар органларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, маънан эскирган биноларни капитал таъмирлаш, янги бино ва иншоотлар қуриш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Мазкур ишларнинг амалий ифодаси сифатида Фарғона тумани ички ишлар бўлими учун янги бино қурилди ва тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Ички ишлар вазири ўринбосари Бекмурод Абдуллаев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Азизбек Икрамов, шунингдек, соҳа фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тadbирда сўз олганлар Президентимизнинг соҳага қаратган эътибори ва ғамхўрлиги натижасида биргина 2025 йилнинг ўзида Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимида моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида рес-

публика ҳамда вилоят бюджетидан жами 31,8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, манзилли тартибда йўналтирилаётгани эътироф этилди.

Ушбу кўркем бино ҳам ана шундай маблағлар ҳисобидан бунёд этилгани таъкидланиб, унда ходимлар узоқ йиллар давомида халқига ва Ватанига садоқат билан хизмат қилишига, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий натижалар қўлга киритишига ишонч билдирилди. Шу ўринда замонавий бинонинг бунёд этилишида фидойилик кўрсатган барча қурувчиларга ҳам миннатдорчилик изҳор этилди.

Шу кун Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан бўлим шахсий таркибига 1 та “Дамас” ва 2 та “Нива” русумли хизмат автомашиналари ҳам тантанали равишда топширилди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Матсуджон Сулаймонов.

“Замон қурилиш” МЧЖ томонидан Фарғона тумани “Саноат” маҳалласида бунёд этилган ушбу маъмурий бино 2 қаватдан иборат бўлиб, назорат ўтиш жойи, фуқароларни қабул қилиш хонаси, 77 та хизмат хонаси, маърифат зали, автотураргоҳ, гараж, омборхона ҳамда саф майдонидан иборат. Бунёдкорлик ишлари билан бирга бўлим ҳудудида манзарали ва меваги кўчатлари ҳамда гуллар экилгани эса атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга хизмат қилади.



Шаҳноза НУРМАТОВА, Янги Тошкент дирекцияси Ахборот хизмати раҳбари.

ЯНГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ қурилиши жараёни қандай кетяпти?



Айтиш мумкинки, Янги Тошкент лойиҳаси бугунги куннинг энг долзарб ва катта аҳамиятга эга лойиҳаси сифатида жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Лойиҳа қачон якунланади? Унда нималар бўлади? Ҳозирда қурилиш жараёни қандай кетяпти? Бу саволлар ҳар бир юртдошимизни бирдек қизиқтираётгани бор гап.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев бошчилигида 2023 йил 18 март куни Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июлдаги ПҚ-232-сон қарорига асосан, Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш мақсадида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан 19 720,9 гектар ер майдони танлаб олинди ҳамда дастлабки босқичда 2 420 гектар ер майдонида қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилди.

ЯНГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БАРПО ЭТИШ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯ ЕЧИМЛАРИ:

- Янги Тошкент шаҳрини ривожлантириш стратегияси;
- биринчи босқич сифатида танланган 6000 гектар майдон Бош режаси;
- 2420 гектар ер майдони учун батафсил режалаштириш лойиҳаси;
- Мухандислик тармоқлари концепцияси;
- Худудларни обodonлаштириш ва ландшафт дизайни концепцияси;
- Жамоат жойларининг меъморий дизайн кодлари;
- Транспорт оқимларини моделлаштириш, жамоат транспорти концепцияси.

Биринчи босқичда аукцион савдолари орқали реализация қилинадиган ер участкаларига электр энергияси истеъмоли, сув истеъмоли ва ёмғир сувларини йиғиш ҳамда яшил қурилиш стандартлари бўйича алоҳида техник шартлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Айни пайтда ҳудудда ижтимоий, ўқув ва маданият мажмуалари қурилиши жадал олиб боришмоқда. Жумладан, Ўзбекистон миллий кутубхонаси объекти ҳудуди тўлиқ вақтинчалик профнастил деворлар билан ўралиб, ишчи-хизматчилар учун яшаш шаҳарчаси, ошхона, очик ва ёпик омборхоналар қуриб битказилди. 4 та скважина қазилиб, ишга туширилди ҳамда объект периметри бўйича видеокузатув камералари ўрнатилди. Бино бўйича ер қазих ва фундаментида монолит бетон қуйиш ишлари якунланган бўлиб, ҳозирда 4-қаватда қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

Булардан ташқари, Янги Ўзбекистон университети ҳудудида мобилизация ишлари тўлиқ бажарилиб, шоврум қуриб битказилди. Объект ҳудуди тўлиқ вақтинчалик профнастил деворлар билан ўралган бўлиб, ишчи-хизматчилар учун яшаш шаҳарчаси, ошхона, очик ва ёпик омборхоналар барпо этилган. Объект периметри бўйича видеокузатув камералари ўрнатилган ҳамда бино бўйича ер қазих ва фундаментида монолит бетон қуйиш ишлари якунланди. Шунингдек, Низомий

номидаги педагогика университети объекти ҳудудида ҳам мобилизация ишлари тўлиқ якунланган. Асосий бино учун ер қазих ва монолит бетон қуйиш ишлари олиб борилиб, айни пайтда ер усти қаватлари қурилиши давом этмоқда ҳамда 4-этаж ораёпма (перекрытия) ишлари бажаришмоқда.

Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, музейи ва ихтисослаштирилган мактаб ҳамда мақом маркази объекти бўйича “Zaha Hadid” компанияси томонидан тайёрланган концепция тасдиқланди. Ушбу концепция асосида схематик дизайн, дизайн девелопмент, ишчи лойиҳани текшириш ва қурилиш жараёнида архитектуравий назоратни амалга ошириш бўйича шартнома имзоланди. Объект ҳудуди тўлиқ вақтинчалик профнастил деворлар билан ўралган.

Вазирлик ва идоралар учун вақтинчалик бино ва иншоотлар қурилиши ҳам кенг кўламда олиб бориляпти. Ушбу ташкилотлар учун жами 2000 ҳодимга мўлжалланган 8 та бино қурилиши бугунги кунда якунланиш арафасида.

Қўчатхона (питомник) лойиҳаси бўйича лойиҳалаш ишлари якунланиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказилди. Бугунги кунда 9 га майдонга 10 хил турдаги 27 000 донга манзарали дарахт кўчатлари экилди. Соҳил бўйи боғи (соҳил бўйи жами 100 га) лойиҳасида сунъий каналлар қурилиши ҳам бош-

ланди. 105 000 м³ қазих ишлари бажарилиб, бетон ишлари амалга оширилмоқда. 15 гектарлик боғга 5000 донга манзарали дарахт кўчатлари экилди. Мухандислик тармоқлари учун ер ости галереяси лойиҳаси трассасида 3000 метр ер ишлари бажарилиб, 1500 метр коммуникацион коллектор тармоғи қурилган. 2025-2026 йилларда 30 километр трасса фойдаланишга топширилади. Ер ости метро туннели бўйича ер ишлари ва ер ости автотураргоҳ лойиҳасида эса ер ишлари якунланиб, фундамент ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Ўтган йилда Янги Тошкент лойиҳасига салоҳиятли инвесторларни жалб этиш мақсадида 70 дан ортиқ хорижий компания вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Бундан ташқари, Дирекция томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июлдаги ПҚ-232-сон қарорига мувофиқ, (бўрттмачи сифатида) жами ер майдони 30,6 гектар бўлган 14 та лот ижара ҳуқуқи асосида “E-auction” платформаси орқали (ҳар бир лойиҳага алоҳида техник шарт асосида) кўп қаватли турар жойлар қуриш учун аукцион савдоларида 310,8 млрд сўмга реализация қилинди.

Аукцион савдоларида маҳаллий ва хорижий компаниялар иштирок этиб, хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар ҳам ғолиб деб топилган.

НОҚУЛАЙЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ

Бақитбек КИЗИЛБАЕВ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий худудий филиали матбуот котиби.

Бугунги кунда Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сонли қарори ижроси бўйича “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 167,9 километр электр узатиш тармоғини реконструкция қилиш, янгидан қуриш ва 50 донга трансформатор пункти ўрнатиш белгилаб берилган.



Ҳужжатга асосан, аҳолининг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш мақсадида жорий йил бошидан бугунги кунга қадар 32,8 километр 0,4-10 кВли хаво электр узатиш тармоғи ҳамда 4152 донга темир бетон-таянч ўрнатилиб, уларда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сонли қарорига асосан, 19,5 километр электр узатиш тармоғини реконструкция қилиш ҳамда янгидан қуриш, 3 донга Тақсимлаш қўрилмаси (РП) ўрнатиш ишлари режалаштирилган.

Ҳозирги кунда Зарафшон шаҳридаги 13,14,19-кичиқ туманлари ҳудудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви учун электр таъминоти, маҳаллаларда аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида, 19,5 километр электр узатиш тармоғи ҳамда 3 донга Тақсимлаш қўрилмаси

(РП) ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Булардан ташқари, Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ-430-сон қарорига кўра, 410,8 километр электр узатиш тармоғини реконструкция қилиш, янгидан қуриш ва 113 донга трансформатор пункти ўрнатиш режалаштирилган. Айни кунларда 1182 донга темир-бетон таянч ўрнатилиб, қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Муҳими, соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бериб, электр қувватларини узатиш йўналишларида узатишлар ва ноқулайликлар бартараф этилаётгани, эски қўрилмалар ўрнига янгилари ўрнатилиб, иш сифати ортиб бораётгани туфайли аҳолининг электр таъминоти янада яхшиланмоқда.

ЧИНОБОДЛИКЛАР ЯНГИ ҲАЁТ ТАРЗИГА ЭГА БЎЛАДИ

Бекжон ЖЎРАҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Дўстлик тумани бугун янгиланиш, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидан жадал одимламоқда. Ҳар бир бунёдкорлик – бу нафақат бетон ва ғиштдан қурилган иншоотлар, балки юрт келажаги, халқ фаровонлиги ва эртанги авлод учун мустақкам пойдевордир. Бугун ушбу юртнинг ҳар бир бурчагида, хусусан, Дўстлик туманида олиб борилаётган қурилиш ва инфратузилма ишлари бевосита Президент ташаббуслари, Янги Ўзбекистон ғояси ва халқимиз орзулари билан уйғунлашиб кетмоқда.

Хусусан, туман марказидаги Ғофур Ғуллом номли маҳаллада тамал тоши қўйилаётган замонавий савдо комплекси ҳудуд иқтисодиётининг янги драйверига айланади, десак муболага бўлмайди. 5 гектарлик майдонда барпо этилаётган ушбу улкан лойиҳа замирида маҳаллий тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар сифати ва турларини кенгайтириш ҳамда аҳоли учун қўлайликлар яратиш мақсади мужассам.

20 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция эвазига бунёд этилаётган мажмуа 130 дан зиёд савдо нукталари, хизмат кўрсатиш жойлари, озик-овқат ва саноат маҳсулотлари расталари, оилавий дам олиш маскан-

лари билан жиҳозланади. Ҳар йили 20 миллиард сўмлик товар айланмаси қўйилаётган бу марказ нафақат иқтисодий ўсишга туртки беради, балки 2 миллиард сўмдан ортиқ бюджет тушумларини кафолатлайди. Энг асосийси, 1 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу эса минглаб инсонлар учун муносиб ҳаёт ва барқарор даромад манбаи бўлиши билан бирга, маҳалла ва туман ижтимоий муҳитини ижобий томонга ўзгартиради.

Айни пайтда Дўстлик туманидаги “Чинобод” МФИда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви – бу нафақат турар жойлар комплекси, балки бутунлай янги ҳаёт фалсафасидир. 11,5 гектар майдонда барпо этилаётган массив за-



монавий архитектура, экологик мувозанат, қўлай яшаш ва ўсиш имкониятларини ўзида мужассамлаштиради. Лойиҳа доирасида 50 та бино ва иншоот барпо этиляпти. Улар орасида 1000 дан ортиқ замонавий хонадон, кенг ва шинам ховлилар, болалар майдончалари, спорт иншоотлари, кўкаламзорлаштирилган хибёонлар ҳам бўлади. Шунингдек, бу ерда 720 ўринли мактаб, болажонлар

учун эса 120 ўринли боғча ва аҳолининг саломатлигини асрашга хизмат қилувчи 100 ўринли тиббий марказ ҳам қад ростламоқда.

Бундай комплекс инфратузилмалар орқали Чинобод аҳолиси нафақат замонавий уйлара, балки янги ҳаёт тарзига ҳам эга бўлади. Бу эса жамиятда барқарорлик, маданият ва саломатлик учун асос бўлиб хизмат қилади.

ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИ ПОЛИТЕХНИКУМИ

ҳудуд ёшларига катта имконият эшикларини очмоқда

Зулфизар МАВЛОҒОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

2024 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қабул қилинган ПФ-158-сонли “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармонга мувофиқ, Қоровулбозор туманидаги касб-ҳунар мактаби негизида янги замонавий таълим маскани – Қоровулбозор туман политехникуми ташкил этилди.

Бу ташаббус орқали ёшларга талаб юқори бўлган мутахассисликларни ўрганиш, билим ва касб орқали келажагини қуриш имконияти яратилмоқда. Политехникумда ёшлар нефть ва газ-ни қайта ишлаш, нефть ва газни қазиб олиш ишлари, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси каби муҳим соҳалар бўйича таълим олмақда. Шу билан бирга, қисқа муддатда касб эгаллашни истоганлар учун пайвандлаш ишлари

йўналишида 3 ойлик курслар ҳам ташкил этилган. Барча йўналишлар бўйича ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади ва икки йил давом этади.

Политехникум битирувчиларига давлат намунасидаги диплом билан бирга, мутахассислик бўйича малака сертификати ҳам берилади. Таълимни муваффақиятли якунлаган ёшлар ҳудуддаги нефть-газ бурғулаш корхоналарига ишга жойлаштирилади. Бу эса

ўқиш билан иш ўртасидаги узвий боғлиқлиқни таъминлайди. Айни пайтда компрессор қурилмалари машинисти мутахассислигида таҳсил олаётган 101 нафар ўқувчи ўз назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш учун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида амалиёт ўтмоқда. Бу завод нафақат ишлаб чиқариш, балки ўқув-амалий база сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Амалиёт давомида ўқувчилар заводнинг 1 ва 2-цех блокларида фаолият юритаётган юқори хароратли нефть ва газ маҳсулотларини узатувчи компрессор ҳамда насос қурилмалари билан танишидилар. Уларнинг ишлаш тартиби, хавфсизлик талаблари ва техник хизмат кўрсатиш жараёнлари бўйича аниқ кўникмаларга эга бўлишди. Завод мутахассислари талабалар учун янги технологиялар, иш самардорлигини ошириш усуллари бўйича амалий дarsлар ўтишди. Ёшлар амалиёт жараёнида махсус иш кийимлари ва шахсий химоя воситалари билан таъминланди. Бу

нафақат уларнинг хавфсизлигини таъминлади, балки иш муҳитига тез мослашишга ҳам ёрдам берди.

Бундан ташқари, ёш мутахассислар компрессор қурилмаларининг турлари, уларнинг тузилиши, қўлланиш соҳалари ҳамда нефть ва газни қайта ишлашда ишлатиладиган резервуарлар бўйича ҳам аниқ билимларга эга бўлишди. Ҳозирда политехникумда 464 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Улар туман ва атрофдаги 50 дан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ўқув жараёнига жалб этилган. Бу уларнинг ҳам таълими, ҳам ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, политехникум замонавий таълим ва амалий тажрибанинг уйғунлашган намунаси сифатида ҳудуд ёшларига катта имконият эшикларини очмоқда. Касб эгаллаб, иш ўрнига эга бўлишни истоган ёшлар учун бу маскан – ҳақиқий ҳаёт мактабига айланмоқда.

Толибжон БОБОЕВ, “Самарқанд сув таъминоти” акциядорлик жамияти директори.

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Яқинда Самарқандда “Марказий Осиё глобал иқлим муаммоларига дуч келмоқда: барқарор ривожланиш ва фаровонлик учун минтакавий бирдамликни мустаҳкамлаш” мавзусида халқаро иқлим форуми бўлиб ўтди. Унда Европа кенгаши ва Европа комиссияси раҳбарлари ҳамда Марказий Осиё давлатлари президентлари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки раиси, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлардан 26 давлат вакиллари қатнашдилар.



Форумнинг ялпи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Президент ўз нутқида иқлим муаммоларини ҳал этишда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Жумладан, ўрмон ёнгинлари, чўлланиш ва сув сифатининг ёмонлашуви каби глобал қақирқларга эътибор қаратди.

Вилоятда ўтган йилда барча дастурлар доирасида 216,2 миллиард сўм маблағлар ажратилиб, жами 588,5 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари, шундан, 492,1 километр ичимлик суви, 96,4 километр оқова сув тармоқлари қурилди. Шунингдек, 602 дона ичимлик суви иншооти қурилиб, реконструкция қилинди, 6 дона оқова сув тозалаш иншооти барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва вилоят прокуратураси ташаббуси ҳамда “Самарқанд сув таъминоти” АҲЖ ҳамкорлигида жамият тасарруфида бўлган 509 та сув иншоотида таъмирлаш, рақамлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ушбу юмушларга жамият ички имкониётларидан 7,3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, унинг ҳисобига 509 та сув иншоотида 212 та энерготежамкор янги насос, 606 та задвижка, 308 та электр шит ўрнатилди. 46,8 километр сув тармоғи тортилиб, 5,3 километр сув кўтариб берувчи қувурлар алмаштирилди ҳамда 76 та насос ва 197 та сув минораси таъмирланди.

Булардан ташқари, Пастдарғом тумани Жума шаҳрида ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида Швейцария “Конфедерация-

си ҳукуматининг” 160,0 минг долларлик грант маблағлари ҳисобидан “Жума” сув иншоотидаги 4 дона ҳамда 2 дона эскирган горизонтал насос замонавий энергия тежамкорларига алмаштирилди. Филиал ҳодимларининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида мебеллар, замонавий компьютер ва бошқа жиҳоз-ускуналар билан таъминланди.

2025 йилда инвестиция дастури доирасида 14 та объект учун 127,6 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, 131,1 километр тармоқлар ва 13 та иншоот қуриш ҳамда реконструкция қилиш режалаштирилган. Шунингдек, вилоят ҳокимининг топшириғига асосан, Самарқанд шаҳрининг Микрорайон А ва Б ҳудудини 24 соат ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ойи давомида қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Буюк ипак йўли кўчасидаги Д-500 мм бўлган сув тармоғидан А ва Б насос станциясига борадиган Д-500 мм сув Микрорайон тармоғига уланди. Сугдиёна насос станциясидан чиққан Д-200 мм бўлган сув тармоғи Д-500 мм магистрал сув тармоғига уланди. Ушбу ишлар натижасида 14 та маҳалладаги 34 мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик сув таъминоти 24 соатликка ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонига асосан, 2030 йилга қадар аҳолининг ичимлик сув таъминотини 97 фоизга етказиш белгиланган. Бугунги кунда эса вилоят аҳолисининг 78,6 фоизи марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлигини эъти-

борга олиб, бу борада қатор режали ишларни бажаришга киришганимиз. Бунда Халқаро молия институтлари томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларга жиддий аҳамият қаратиляпти.

Мисол учун, Жаҳон банки иштирокидаги Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри ичимлик сув ва оқова сув тозалаш иншоотлари қуриш, реконструкция қилиш лойиҳаси доирасида 66,0 миллион доллар маблағ ҳисобидан суткасига 20 000 м³ қувватли оқова тозалаш иншооти, 3 та сув иншооти, 64 километр сув ва 48,9 километр оқова тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш белгиланган. Лойиҳа натижасида 36 та МФЙда 85,6 минг нафар аҳоли ичимлик суви ва оқова хизмати билан таъминланади. Сув билан таъминланганлик даражаси 71,6 фоиздан 93,0 фоизга, оқова хизмати 29,2 фоиздан 72,0 фоизга етказилиши режалаштирилган. Шунингдек, “Абу Даби Тараққиёт жамғармаси” лойиҳаси доирасида 31,5 миллион доллар маблағ ҳисобидан 6 та насос станцияси, 2 та сув иншоот (Дағбит ва Чўпон ота), 11,2 километр сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Бугунги кунда 6 та насос станцияси, 2 та сув иншооти ҳамда Буюк Ипак йўли кўчасидаги сув тармоқларини қайта қуриш ва янгиларига алмаштириш жараёnlари муваффақиятли давом эттириляпти. Келажакда ишларимиз кўлами янада ортади. Зеро, вилоятимиз аҳолисини тоза ва сифатли ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш – асосий вазифамиз эканлигини унутмаймиз.

Қисқа сатрларда

Ҳамкорлик самараси

Олмалик кон-металлургия комбинати технологик ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлаётган кислотали ва ишқорли оқова сувларни тозалаш бўйича Ўзбекистонда биринчи бор Финляндия тажрибасини қўллай бошлади.

Финляндиянинг “EPSE OY” компанияси ўтган йили комбинатнинг оқова сувларни тозалаш тажриба лойиҳасини қўллаш бўйича уч томонлама шартнома имзоланганди. Шу кунларда мазкур компания кислотали ва ишқорли оқова сувларни тозалаш юзасидан пилот лойиҳасини қўлламоқда. Тажриба комбинатнинг “Кўч-булоқ” қонидаги иншоотларига ўрнатилган. Пилот лойиҳа даврида махсус реагентни қўшиш эвазига оҳақ сарфи 60 фоизга қисқартирилади. Ҳосил бўлган қўйқа таркибидан эса рангли металлари ажратиб олиш имконияти яратилади. Синов якунида фин мутахассислари лойиҳанинг тежамкорлиги ва самарадорлигини исботлаши, ушбу занжирни саноатда қўл-



лаш ҳамда кимёвий сув тозалаш иншоотлари ишлаш самарадорлигини 99,5 фоизга етказиш бўйича ҳулоса бериши керак.

Шинам ва обод йўллар

Тўрақўрғон туманида “Авто йўллари иншоотлар қуриш” МЧЖ томонидан қиймати 1 миллиард 280,9 миллион сўм маблағ эвазига Калвак маҳалласидаги Шавқий, Муқимий, Навбахор ҳамда Барака кўчаларининг 2,4 километр қисмини асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда.



Жараёнлар бошланиши олдида маҳалланинг ёши улугʻ нурунийлари халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш бўйича қилинаётган эгу ишлар учун шукроналик келтириб, дуога қўл очишди.

Давлат хизматлари маркази иш бошлади

Қўрғонтепа туманидаги Қорасув шаҳрида аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш маркази иш бошлади.

– Туманда 226 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, – деди вилоят Адлия бошкармаси шўъба бошлиғи Алишер Ҳасанов. – Шундан, 47 минг нафари Қорасув шаҳрида яшайди. Бу эса ҳудудда фуқароларга тезкор давлат хизматлари кўрсатиш фаолиятини таш-

кил этишни тақозо этди. Марказда 106 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Қорасувликлар бу ерда шунингдек, ФХДЁ, нотариус, банк йўналишларига доир хизматлардан ҳам фойдаланиши имконига эгалар.

Ўз мухбирларимиз.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “ALBATROS-KREDIT LOMBARD” МЧЖнинг 2025 йил 7 майдаги 11-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 27 июнь, 28 октябрь ва 20 декабрдаги яхиро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 2-уй, 3-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	98	Кольцо, о.в. 3,20 гр., ч.в. 3,20 гр.; серъги, о.в. 5,98 гр., ч.в. 5,98 гр., о.в. 9,18 гр., ч.в. 9,18 гр., 583 пр.	5 162 558,31
2.	417	Цепь, о.в. 17,28 гр., ч.в. 17,28 гр., 583 пр.	9 851 755,00
3.	640	Серъги, о.в. 4,86 гр., ч.в. 4,86 гр., 583 пр.	3 261 505,00
4.	718	Кольцо, о.в. 3,74 гр., ч.в. 3,54 гр., 583 пр.гр.	2 367 655,00
5.	864	Цепь, о.в. 4,91 гр., ч.в. 4,91 гр.; серъги, о.в. 3,55 гр., ч.в. 2,83 гр., 583 пр., о.в. 8,46; ч.в. 7,74	4 640 155,00
6.	932	Кольцо, о.в. 3,18 гр., ч.в. 3,18 гр.; цепь, о.в. 6,25 гр., ч.в. 6,25 гр., 583 пр., о.в. 9,43 гр.; ч. в. 9,43 гр.	6 230 905,00
7.	943	Кольцо, о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,85 гр., 583 пр.	1 244 131,00
8.	944	Колье, о.в. 5,32 гр., ч.в. 4,30 гр., 583 пр.	2 897 905,00
9.	1160	Серъги, о.в. 8,91 гр., ч.в. 1,30 гр.; кольцо, о.в. 5,15 гр., ч.в. 5,15 гр., 583 пр., о.в. 14,06 гр., ч.в. 6,45 гр.	4 337 155,00
10.	1161	Серъги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,56 гр., ч.в. 3,70 гр., 583 пр.	2 064 655,00
11.	1227	Кольцо, о.в. 6,89 гр., ч.в. 6,70 гр., 583 пр.	4 503 805,00
12.	1279	Кольцо, о.в. 3,12 гр., ч.в. 3,12 гр., 583 пр.	2 125 255,00
13.	1297	Кольцо, о.в. 3,27 гр., ч.в. 3,27 гр., 583 пр.	2 216 155,00
14.	1398	Серъги, о.в. 4,15 гр., ч.в. 3,65 гр., 583 пр.	2 488 855,00
15.	1603	Цепь+кулон, о.в. 14,58 гр., ч.в. 14,58 гр., 583 пр.	9 185 155,00
16.	1635	Кольцо, о.в. 3,24 гр., ч.в. 3,24 гр., 375 пр.; серъги, о.в. 3,25 гр., ч.в. 3,25 гр., 583 пр., о.в. 6,49 гр., ч.в. 6,49 гр.	3 846 295,00
17.	1664	Браслет, о.в. 5,80 гр., ч.в. 5,80 гр., 585 пр.	4 352 305,00
18.	1685	Цепь, о.в. 9,85 гр., ч.в. 9,85 гр., 583 пр.	7 064 155,00
19.	1728	Кольцо, о.в. 2,80 гр., ч.в. 1,80 гр., 583 пр.	1 413 205,00
20.	1875	Кольцо, о.в. 3,85 гр., ч.в. 3,85 гр., 583 пр.	2 882 755,00
21.	1882	Серъги, о.в. 4,50 гр., ч.в. 4,50 гр., 583 пр.	3 397 855,00
22.	1886	Цепь, о.в. 12,56 гр., ч.в. 12,56 гр., 583 пр.	9 260 905,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
23.	1934	Браслет, о.в. 1,59 гр., ч.в. 1,10 гр., 583 пр.	807 205,00
24.	2079	Цепь, о.в. 29,56 гр., ч.в. 29,56 гр., 583 пр.	21 305 155,00
25.	2139	Кольцо, о.в. 5,58 гр., ч.в. 4,80 гр., 583 пр.; серъги, о.в. 7,92 гр., ч.в. 4,70 гр., 583 пр.; браслет, о.в. 11,86 гр., ч.в. 11,86 гр., 583 пр., о.в. 25,36 гр., ч.в. 21,36 гр.	15 245 155,00
26.	2200	Браслет, о.в. 6,83 гр., ч.в. 3,00 гр., 583 пр.; кольцо, о.в. 6,12 гр., ч.в. 5,50 гр., 583 пр.; серъги, о.в. 6,54 гр., ч.в. 6,54 гр., 583 пр.; серъги, о.в. 4,43 гр., ч.в. 4,43 гр., 583 пр.; браслет, о.в. 2,36 гр., ч.в. 2,36 гр., 583 пр., о.в. 26,28 гр., ч.в. 21,83 гр.	16 002 655,00
27.	731	Кольцо, о.в. 2,78 гр., ч.в. 1,78 гр., 583 пр.; кольцо, о.в. 1,91 гр., ч.в. 1,01 гр., 583 пр., о.в. 4,69 гр., ч.в. 2,79 гр.	1 618 780,40
28.	1413	Серъга, о.в. 2,85 гр., ч.в. 1,90 гр., 583 пр.; серъга, о.в. 2,70 гр., ч.в. 1,80 гр., 583 пр., о.в. 5,55 гр., ч.в. 3,70 гр.	2 115 336,80
29.	1994	Серъги, о.в. 5,25 гр., ч.в. 4,25 гр., 583 пр.	2 839 931,00
30.	2006	Браслет, о.в. 18,21 гр., ч.в. 18,21 гр., 583 пр.; браслет, о.в. 6,09 гр., ч.в. 6,09 гр., 583 пр.; колье, о.в. 9,80 гр., ч.в. 9,80 гр., 583 пр. о. в. 34,10 гр., ч.в. 34,10 гр.	23 001 955,00
31.	2078	Кольцо, о.в. 3,41 гр., ч.в. 0,40 гр., 375 пр.; кольцо, о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,10 гр., 583 пр.; кольцо, о.в. 1,46 гр., ч.в. 0,80 гр., 583 пр.; серъга, о.в. 1,49 гр., ч.в. 0,80 гр., 583 пр.; серъга о.в. 2,21 гр., ч.в. 1,80 гр., 583 пр.; цепь, о.в. 5,85 гр., ч.в. 5,85 гр., 583 пр., о.в. 17,01 гр., ч.в. 11,75 гр.	8 208 715,28
32.	2084	Колье с деф. погн. с бел. и оранж. кам., о.в. 16,80 гр., ч.в. 14,00 гр., 583 пр., о.в. 16,80 гр., ч.в. 14,00 гр.	9 222 727,00
33.	2125	Серъги, о.в. 4,64 гр., ч.в. 3,85 гр.; кольцо, о.в. 1,23 гр., ч.в. 1,13 гр., кольцо о.в. 2,44 гр., ч.в. 2,34 гр., 583 пр., о.в. 8,31 гр., ч.в. 7,32 гр.	4 013 955,00
34.	2141	Серъги, о.в. 4,14 гр., ч.в. 3,10 гр.; серъги, о.в. 3,30 гр., ч.в. 2,80 гр.; кольцо, о.в. 3,43 гр., ч.в. 3,00 гр.; кольцо, о.в. 3,89 гр., ч.в. 3,40 гр., 583 пр., о.в. 14,76 гр., ч.в. 12,30 гр.	8 072 135,00
35.	2144	Браслет, о.в. 25,36 гр., ч.в. 24,00 гр., 583 пр.	14 332 519,00
36.	2145	Кольцо, о.в. 5,80 гр., ч.в. 3,20 гр.; кольцо, о.в. 2,64 гр., ч.в. 2,64 гр.; кольцо, о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,85 гр., 583 пр., о.в. 11,29 гр., ч.в. 8,69 гр.	5 678 435,00
37.	2289	Кольцо, о.в. 2,05 гр., ч.в. 1,85 гр., 583 пр.	1 458 655,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
38.	2311	Кольцо, о.в. 4,94 гр., ч.в. 3,40 гр.; кольцо, о.в. 4,31 гр., ч.в. 1,60 гр.; кольцо, о.в. 5,58 гр., ч.в. 3,10 гр.; браслет, о.в. 1,15 гр., ч.в. 1,15 гр., 583 пр., о.в. 15,98 гр., ч.в. 9,25 гр.	6 912 655,00
39.	2392	Серъги, о.в. 2,72 гр., ч.в. 2,30 гр.; серъги, о.в. 5,35 гр., ч.в. 2,70 гр., кольцо, о.в. 3,03 гр., ч.в. 1,20 гр.; кольцо, о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр.; браслет, о.в. 5,61 гр., ч.в. 5,61 гр., колье, о.в. 9,51 гр., ч.в. 9,51 гр., 583 пр., о.в. 28,47 гр., ч.в. 23,57 гр.	16 704 605,00
40.	2544	Кольцо, о.в. 3,74 гр., ч.в. 3,30 гр., 583 пр.	2 519 155,00
41.	2750	Серъги, о.в. 5,00 гр., ч.в. 4,00 гр., 583 пр.	3 034 254,00
42.	2857	Цепь, о.в. 1,81 гр., ч.в. 1,81 гр., 750 пр.	1 458 654,00
43.	2936	Цепь, о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,10 гр., 375 пр.	1 307 154,00
44.	2938	Кольцо, о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,20 гр.; кольцо, о.в. 2,52 гр., ч.в. 2,52 гр., 583 пр., о.в. 4,06 гр., ч.в. 3,72 гр.	2 958 504,00
45.	959	Кольцо, о.в. 1,47 гр., ч.в. 1,27 гр.; серъги, о.в. 2,7 гр., ч.в. 2,40 гр., о.в. 4,17 гр., ч.в. 3,67 гр., 583пр.	1 924 556,36
46.	5331	Цепь, о.в. 4,20 гр.; ч.ч. 4,20 гр.	2 682 056,36
Жами бошланғич баҳоси			268 219 987,51

Аукцион савдолар 2025 йил 17 июнь кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2025 йил 13 июнь кунни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2025 йил 17 июнь кунни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 1 ва 15 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладди. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш кунни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.



Улуғбек КУРБАНБАЕВ,
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги бўлим
бошлиғи.

Интернет ривожланаётгани сайин унда янгидан янги муносабатлар пайдо бўлаётганини кузатмоқдамиз. Албатта, бу янги имкониятлар, энгилликлар тақдим этиши билан эътиборга лойиқ. Аммо, бу жараён, ўз навбатида, давлат олдига жамиятда ахборот хавфсизлигини кучайтириш билан боғлиқ вазифаларни ҳам долзарблаштирмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасида рақамли технологиялар ривожланиши билан фуқароларнинг онлайн платформадаги ҳуқуқларини таъминлаш борасида муҳим қонунчилик ташаббуслари амалга оширилаётганлигини олқишлаш керак.

“Онлайн платформалар ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси онлайн медиа маконда истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Рақамли мулоқот ривожи халқ тилида ҳам янги атамаларни, янги тушунча ва янги субъектлар пайдо бўлишини юзага келтиради. Аммо норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқ ва мажбу-

риятлари белгиланмаганлиги қонунбузилиши ҳолатларига замин яратишини ҳам унутмаслик керак. Қонун тўғрисида фикр юритишдан аввал, унда келтирилган асосий тушунчалар моҳиятини англаб олиш фойдали.

Қонун лойиҳасида “Онлайн-платформа” тушунчасига атрофлича тушунтириш берилган. Қисқача айтганда, “онлайн-платформа” – фойдаланувчилар томонидан контентни қабул қилиш, ишлаб чиқариш, жойлаштириш ва тарқатиш учун мўлжалланган ҳамда Интернет тармоғида ишлайдиган ахборот тизими ёки тезкор хабарлар алмашиш сервиси ҳисобланади.

Онлайн-платформа тизимида “онлайн-платформанинг мулкдори” муҳим ўрин тутиб, бу платформага нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади. Мулкдор сифатида у ўз платформасининг фаолияти ва хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида “онлайн-платформанинг фойдаланувчиси” тушунчаси ҳам киритилган – бу платформада ўзи ҳақидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказган ва идентификациядан ўтган жисмоний ёки юридик шахсдир. Фойдаланувчи платформада контент яратиш ва уни бошқариш имкониятига эга бўлади.

Қонунда “контент” тушунчаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу онлайн-платформа фойдаланувчиси ёки веб-сайт эгаси томонидан жойлаштирилган, ишлаб чиқарилган ва тарқатилган турли кўринишдаги маълумотлар ҳисобланади. Контент ўз ичига матнлар, тасвирлар, аудио ва видео материалларни олади. Контентнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш орқали, қонун унинг тарқатилиши ва истеъмол қилиниши жараёнларини тартибга солишга ҳаракат қилади.

Контентни бошқарувида “оммавий ҳамжамиятнинг модератори” тушунчаси ҳам киритилмоқда. Бу онлайн-платформа мулкдори ёки фойдаланувчиси бўлиб, оммавий ҳамжамиятда жойлаштириладиган контентни жойлаш, ўчириш ёки таҳрирлаш ҳуқуқига эга шахс. Модераторлар контентнинг сифати ва қонуний меъёрларга мослигини таъминлаши назарда тутилмоқда.

Қонунда “инфлюенсер” тушунчаси алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бу онлайн-платформадаги ўз аккаунтида ёки оммавий ҳамжамиятда йигирма мингдан ортиқ обуначига эга бўлган блогер ҳисобланади. Инфлюенсерларни алоҳида тоифага ажратиш уларнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги таъсирини тан олиш ва шу билан бирга, уларга маълум масъулият юклаганга қаратилган. Инфлюенсерлар учун махсус ҳуқуқий талаблар белгиланиши кутилмоқда, чунки улар кўп сонли аудиторияга таъсир кўрсата олиши барчага маълум.

Қонунда хавфсизлик таҳдидларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, мамлакатимиз қонунчилигида “Спам ресурс” атамасига таъриф берилмоқда. “Спам ресурс” – олувчининг розилигисиз реклама, алдов йўли билан молиявий операцияларга мажбур қиладиган ҳаволалар, зарарли дастурлар ёки бошқа номақбул материалларни тарқатувчи ахборот ресурсидир. Спам ресурсларга қарши курашиш фойдаланувчиларнинг ноҳуш контентдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Сўнгги пайтларда онлайн платформаларда кенг тарқалаётган ҳаракатларга ҳам таъриф берилган. Жумладан, лойиҳада “Фишинг ресурси” тушунчаси ҳам киритилган бўлиб, – бу расмий веб-сайт, илова ёки платформалар шақлини тарқорлаш орқали фойдаланувчиларни чалғитадиган ва уларнинг шахсий маъ-

лумотлари, тўлов реквизитлари ва бошқа маълумотларини ноқонуний олиш учун яратилган ресурсдир.

“Онлайн платформалар ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Интернет тармоғида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Мазкур қонун орқали фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимояси, спам ва фишингдан ҳимояланиш ҳамда инсофли мазмундаги ахборотни олиш ҳуқуқларининг амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу қонун фуқароларнинг рақамли ҳуқуқларини таъминлаш борасида муҳим қадам бўлади.

Қонун лойиҳаси онлайн-платформаларга нисбатан ҳам маълум талабларни белгилайди. Ушбу талаблар платформа мулкдорларининг ўз фойдаланувчилари олдида масъулиятини оширишга, контентни модерация қилиш жараёнини тартибга солишга ва фойдаланувчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларида ҳимоя механизмларини таъминлашга қаратилган. Бу эса онлайн фазода тартибни сақлаш ва фойдаланувчилар ҳуқуқларининг самарали ҳимоясига имкон яратади.

Қонун рақамли платформалар ўртасида адолатли рақобатни ҳам тартибга солиди. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ равишда, рақамли платформа операторининг устун мавқеини аниқлаш ва эътироф этиш механизмларини белгилаш орқали рақамли бозорда рақобатни сақлаш имконини беради. Бу эса фойдаланувчиларга кўпроқ хизмат ва контент танлаш имкониятини яратади.

“Онлайн платформалар ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда рақамли

технологиялар соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Таклиф этилаётган янги тушунчалар замонавий технологик воқелик ва тенденцияларни акс эттиради. Бу қонун орқали фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли фазода адолатли муносабатларни шакллантириш кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасида киритилаётган тушунчалар рақамли платформалар тизимида операторлар ва фойдаланувчиларнинг роли ва жавобгарлигини аниқ белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида, рақамли мухитда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос яратади. Хусусан, спам ва фишинг каби таҳдидларга қарши курашиш, инфлюенсерларнинг жавобгарлигини белгилаш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоясини таъминлаш механизмлари шакллантирилади.

Қонун лойиҳасининг бугунги кунда жорий этилиши келгуси йилларда рақамли соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Келажакда чет эл тажрибасини ўрганиш ва ички тажрибаларни умумлаштириш орқали қонунчиликни янада такомиллаштириш мумкин бўлади. Бунда фойдаланувчилар ва платформа эгаларининг манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлаш, инновацияларни рағбатлантириш ва шу билан бирга хавфсизлигини таъминлаш муҳим ўрин тутати.

Энг муҳими эса, қонун лойиҳаси қабул қилингач, унинг амалиётга таъбиқ этилиши ҳисобланади. Зеро, қонун ижроси билангина чинакам аҳамият касб этади. Бу масалада давлат масъул ташкилотлари билан бир қаторда жамоатчилик ҳам ўз фаоллигини кўрсатиши мақсадга мувофиқ.



ЎТМОИY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Таҳрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожидин Ёшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маккамов
Мусакхх	Марҳамат Муслимонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзГАНШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 541.
2006 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
келган қўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Тўрон” кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 21.00.
Тошпирилди – 22.00.

Спорт

Юртини дунёга танитадиган
ёшлар кўпаяверсин!

Шахноза ҚАЛАНДАРОВА, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

Ватан равнақиға ҳар ким ҳар хил ҳисса қўшади. Кимдир илми билан, кимдир санъати билан дунёга танилса, яна кимдир спорт соҳасида ютуқларга эришиб, юртини жаҳонга танитади.

Бугунги кунда мамлакатимизда спортчи ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Қолаверса, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Шерзод Хидоятлов мамлакат оғир атлетика федерацияси раиси сифатида юртимизда спортнинг ушбу тури билан шуғулланадиган ёшларга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Яратилган имкониятлар ўз натижасини кўрсатаётгани, нуфузли мусобақа ва чемпионатларда спортчи ёшларимиз эгаллаётган ўринларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, яқинда Перуда спортнинг оғир атлетика тури бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли мусобақада Хоразм вилояти спортчиларидан Урганч олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази тарбияланувчиси Мунибек Давлетов 2 та кумуш медалини, Яққа кураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби тарбияланувчиси Диёрбек Рўзметов эса 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритди.

Урганч темир йўл вокзалида Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси Хоразм вилояти бўлими раиси Музаффар Каландаров бошчилигида чемпионлар тренерлар ҳамда спорт таълим муассасаси масъ-

уллари иштирокида тантанали кутиб олинди. Музаффар Каландаров спортчи ёшларимизнинг хонадонларига таширф бўйиб, уларнинг ота-оналарини ҳам муваффақият билан табриклади. Эсдалик совғаларини топишиб, келгуси чемпионатларда яна ҳам катта ғалабаларни қўлга киритишларига ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳукумати спортчи ёшларни қўллаб-қувватлашни давлат сиёсати даражасида амалга оширмоқда. Бу борадаги чора-тадбирлар ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва халқаро майдонда муваффақиятларга эришишларига қўмаклашишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Тилагимиз, Мунибек ва Диёрбек сингари юртини дунёга танитадиган ёшлар кўпаяверсин!



ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил май ойининг 13-15 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бошлиғи ўринбосари **Абдуманноп Дадабаев**, Бино ва иншоотлар қурилиши бўйича етакчи мутахассиси **Маҳмуджон Юлдашев**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси муҳандиси **Маҳмуда Ибрагимова**, “Марказий” филиали лойиҳа бош архитектори **Дилшод Усканов**, бош мутахассис **Алишер Очилов**,

“Ташгипрогор” АЖ кадрлар бўлими бошлиғи **Динара Ходжаева**,

“Ўзғиришсанотлойтих” АЖ ГИТ сектор раҳбари **Валерия Трайну**, ИЛСК етакчи мутахассиси **Комил Фирматов**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ техник бўлим бошлиғи **Юсуп Қулмурадov**, Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Илдар Хасанов**, бошқарманинг 4-устахонаси архитектори **Мафтуна Пардаева**, хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси кичик сервер администратори **Александр Анисимов**, худудий филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Асрор Неъматов**,

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ бош бухгалтери **Моҳидил Назирова**,

Бухоро вилояти Қорақўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Равшан Бердиев**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси **Жаҳонгир Эгамов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош режаларга риоя этилиши устидан давлат архитектура назорати шўъбаси бошлиғи **Бунёд Ҳамралиев**,

Хоразм вилояти Хива тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Эркин Машарипов**,

Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Зилов-обод БК” МЧЖ бош директори **Ваҳоб Мелиев**,

Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги “Термиз комфорт таъмирлаш” МЧЖ БСК бош директори **Абдулалим Бобоназаров**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Hizmat Beminnat Boshqaruv Servis Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Маҳмуджон Юлдашев**, Шайхонтохур туманидаги “Мадал люкс” МЧЖ БСК бош директори **Сайёра Алматова**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Olmazor-Bigodanlik-Kommunal” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Хабилжон Турсунов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**